

A black and white portrait of a young man with dark, wavy hair, wearing a dark jacket over a light-colored shirt with a dark, patterned collar. He is looking slightly to the right with a gentle smile.

Осиё ва Узоқ Шарқ учун тузилган БМТ Иқтисодий комиссиясининг сессиясида

ДЕХЛИ, 18 март. ТАСС. Мусобири В. Матш хабар беради: Осиё ва Узоқ Шарқ учун тузилган БМТ Иқтисодий комиссияси (ЭКАДВ) 17-сессиясининг бу ерда 8 мартдан бери давом этаётган 17-сессияси тугай қолди. ЭКАДВ аъзоси бўлган 24 мамлакатдан вакил бўлиб келган сессия қатнашчилари жаҳоннинг шу қисмидаги давлатларнинг иқтисодий тараққиёти ва уларнинг регионал ҳамкорлиги проблемаларида доир ҳўп масалаларни муҳокама қилдилар.

Бир қанча делегатларнинг нутқларида ЭКАДВ миллий иқтисодини ривожлантириш ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш соҳасида Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари олдида турган катта вазифаларни ҳақ этишга ёрдам бериши лозим, деб таъкидланди. Ҳиндистон, Совет Иттифоқи, Индонезия, Бирма, Афғонистон ва бошқа мамлакатларнинг делегатлари индустриалаштириш, миллий кадрлар тайёрлаш, шу раёндаги мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш сингари муҳим проблемаларга катта эътибор бердилар.

Шу билан бирга, ёшпаса ва батамом қурулганлигининг амалга оширилиши бўлаб қолган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш ахбороти учун сарфлашга имкон берув эди, деб таъкидланди.

Дискуссия давомида Осиё мамлакатларида иқтисодий планлаштириш масалалари муҳим ўрин тутди. Ҳиндистон, Индонезия, Афғонистон, Камбоджа ва бошқа баъзи мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт ва миллий иқтисодини мустаҳкамлаш соҳасидаги муваффақиятларини қўлга киритишларида бу мамлакатларнинг ҳукуматлари хўжалик қурилишдаги план асосларини кенгайтиришга катта аҳамият бераётганликлари анча даражада ёрдам берди.

Шу муносабат билан совет деле-

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ А. А. ГРОМИКОНИНГ АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ РАСК БИЛАН УЧРАШУВИ

ВАШИНГТОН, 19 март. (ТАСС). Беча бу ерда Вашингтон вақти билан соат 18 да АҚШ давлат секретари Дин Раск билан СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ўртасида беш соат давом этган учрашув тавом бўлди.

Учрашув натижасида аълон қилинган Совет-Америка ахборотида А. А. Громико ва Д. Раск «Совет Иттифоқи ва АҚШнинг қизиқтиратган ҳар хил масалалар юзасида ошқора суҳбатлашдилар» дейилди.

Сўнгра ахборотда бўлиб ўтган суҳбат муҳим халқаро масалалар юзасида иккала ҳукуматнинг позицияларини аниқроқ тушунишга олиб келди ва бу масалаларнинг яна қараб чиқишига ёрдам беради, деб унда билдирилди.

КОНГО АҲОЛИСИ ҚОНУНИЙ ҲУКУМАТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВЛАМОҚДА

БЕРЛИН, 19 март. (ТАСС). Совет Иттифоқи ҳукуматининг Конгодаги аҳолини нормалаштириш тўғрисидаги таклифи Конго учун катта маддидир, чунки бу таклиф мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун асос беради, деди Конго қонуний ҳукумати ташқи савдо министрининг етаре секретари Антуан Кивеба. У бу сўзларни Лейпцигдаги баҳорги халқаро кўрсаткичи келиб қўлган вақтида, «Баури-эхо» газетасининг муҳбири билан суҳбатда айтди.

Конгода тинчлик бўлиши, деди А. Кивеба, Африка учун гоят катта аҳамиятга эга. Империяларнинг сотқин қўлқорчиларини топиб олишга ва мамлакатда тартибсизлик чиқаришга муваффақ бўлишди. Буларнинг ҳаммаси Конгода мустамлакачилик режимиин янгилаб вужудга келтириш мақсадида қилинаётган, деди етаре-секретари.

Бирок империяларнинг ўз мўлжалларида янгилашмоқдалар, деб давом қилди А. Кивеба. Чомбе, Касанбу ва Мобутуларнинг империяларга сотилиб, мамлакатга хиёнат қилганликлари ҳамда халқни янада мустамлакачилик алуи остида ашшага мажбур этишга уриштирилганлиги Конго халқи тушуниб олди.

Кивеба конголиклар Гизента қонуний ҳукуматини кенг қўллаб-қувватламоқдалар, деди. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги 14 миллион аҳолининг 11 миллиони миллий мустақиллик учун курашувчилар томонидан ва қолган 3 миллион аҳолининг ҳам биз томонимизга ўтган пайт ақиллашмоқда, деди у.

ВЕНЕСУЭЛА КОМПАРТИЯСИНИНГ 3-СЪЕЗДИ

ГАВАНА, 18 март. (ТАСС). Пренса Латина агентлигининг хабар беришича, Венесуэла Коммунистик партиясининг Каракас шаҳрида бўлиб ўтган 3-съезди коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москва кенгашида қабул қилинган ҳужжатларини маълумлашди.

Съезд партия Марказий Комитетининг янги составини сайлади.



Парваришии ҳам ўз зиммаларига олишди

Оржоникиде районининг посёлка Советларида, мактабларида, кўҳоз ва совхозларида кўчат ўтказиш ишлари қилиб кетди. Бу ишга мактаб ўқувчилари, айниқса, астойдил киришдилар.

Абай номи 28-мактаб ўқувчиларининг ташаббуси билан мактабнинг тажриба участкасига тоқ, олма, олча, шафтоли, тоқ ва терак кўчатлари ўтказилди. Ёш боғбонлардан Дилбар Мавлонова, Жўра Ҳасанов, Ўткир Хантов, Назира Абдуллаева каби ўқувчилар жонбозлик қилишар. Мактаб ўқувчиларининг кўчи билан «Сталинград» кўҳозининг 4 гектар ерига уч минг тупта яқин олма, ўз гектар ерга аса тўт кўчатлари ўтказилди. Ўқувчилар бу кўчатларни парвариш қилишни ҳам ўз зиммаларига олдилар.

С. МИРЗАЛИЕВ.

МОСКВА-ДАН ХАТ

МИРЗАЧЎЛ ПАХТАКОРЛАРИ УЧУН

Москвадаги «Гипросельхозстрой» лойиҳалаш институти мамлакатимизда қишлоқларнинг обод ва кўркам қилиш соҳасида қимматли ишларни олиб бормоқда. Яқинда биз ана шу институтнинг махсус участкасида бўлиб. Бу ерда муҳташам биноларга бой шахарчалар макетида кўзимиз тушди. Суриштириб билсан, булар мирза-чўллик пахтакорлар учун яқин ойларида қуриладиган типовой шахарчалар макети экан. Бу қишлоқ посёлкалари лойиҳасини архитекторлардан П. Иванов, В. Дмитриев ва В. Бркин ўрточлар ишлатишди.

Ҳар бир посёлка 3—3,5 минг кишига мўлжалланган, яшаш учун барча қулайликларга эга. Қуриладиган бинолар асосан икки қаватли бўлиб, ҳар бир оиллага 3 тадан 5 тагача хона ажратилади. Шинам ва ёрғу хоналар билан бир қаторда ошхона, ванна, санитария узели, газ плиталари, иссиқ сув, жийим-кечақ ва идиш-товуқлар учун махсус қуриткичлар каби қулайликлар бўлади.

Ҳар бир посёлкада бир қанча маъмурий-хўжалик бинолари ҳам қурилади. Бу биноларга кўҳоз правленеси ёки совхоз маъмурияти, посёлка Совети, омонат касса ва алоқа бўлими жойлашади. Бундан ташқари, кам оилали кишилар учун алоҳида ётоқхона қурилади. Посёлка меҳнаткашлари ўз кутубхоналари, кинотеатр, поликлиника, ошхона, ҳаммом, мактаб-интернат, ўрта мактаб, маншай хизмат кўрсатувчи номбинат ва озиқ-овқат ҳамда саноат моллари магизинларига эга бўладилар.

Мирза-чўллик пахтакорлар учун барпо этиладиган посёлкалар қурилиши индустриал методлар билан олиб борилади. Асосий қурилиш материаллари йирик панелли блоklar бўлади. Ҳар икки ҳафтада битта икки қаватли бинони қуриб битказиш мўлжалланади.

Лойиҳани тузишда биз пахтакорларимиз учун энг қулай шароитлар яратишни кўзда тутдик. Бизнинг бу ижодий ишимиз қороздан ҳаётга кўчирилганда, мирза-чўлликларга манзур бўлса бахтиёр бўлардик. — дейишди лойиҳа авторлари.

Қ. АХМЕРОВ.

СОТУВЧИСИЗ БУФЕТЛАР

ОҲАНГАРОН. 9-шах-бир киши ўзи хоҳлаган та ҳузуридаги ошхона-ҳамма нарсани танлаб буфетлар шактларнинг кеча-кундуз иш-оқиди. Витринада ис-баҳосини ҳисоблаб чи-қадди ва пулни «касса-лар, сут-қатик, конфет-га» — қопилкага ўх-шаш оддий темир қути-лотлар қўйилган. Ҳар га ташлаб кетади.

ИШЧИ АЁЛЛАР УЧУН УЙ ОШХОНАСИ

Чирчиқдаги кимёгарлар посёлкасининг Мир қўчасида уй ошхонаси очилди. Шаҳарда биринчи марта ишга туширилган бу ошхона аҳолининг буюртмалари бўйича уйда олиб кетиш учун тузилган ва кечки овқатлар тайёрлаб беради. Таомни бевосита ошхонага келиб юрмай, телефон орқали буюрса ҳам бўлади. Ошхона очилган биринчи кунда 350 кишига буюртма бўйича таом тайёрлаб берилди.

Ишчи аёллар эрталаб ўз корхоналарига кета туриб, истасан таомларини ошхонага буюртиб кетадилар. Тайёрлаб қўйилган таомни кечқурун соат 9 гача олиб кетиш мумкин. Ошхона хизматидан мамнун бўлган аёллар фикрини ифодалоб, пенсионер Волкова бундай деди:

— Уй ошхонасининг очилиши ҳамма учун, айниқса, ишчи аёллар учун жуда қулай бўлди. Энди бизнинг посёлкада яшовчи уй бекалари ишдан қайтгач, кечки овқат қилиш ташвишидан қутулдилар.

Яқин келаядиган шаҳарнинг яна тўрт ерида ана шундай ошхоналар очилиш мўлжалланади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.



Гулистон район матлубот жамияти коллективини китоб мағазинларида қўзғатилиб адабиётлар етказиб бермоқда. Шу Жумладан, район марказидаги ўзига-ўзи хизмат қиладиган китоб мағазини ҳам қўзғаб адабиётлар олмоқда. Суратда: харидор янги олтиган китобларини кўздан кечирмоқда.

А. Абалая фотоси.

Тошкентнинг Чимбой массивида қуриладиган 3-мактабнинг янги фойдаланишга топшириш учун тайёр қилинди. Бу ерда болаларимизнинг ўқиб, ҳар та-рафлама билим олишлари ва хунари бўлишлари учун зарур бўлган ҳамма шароитлар яратиб берилган. Суратда: мактаб-интернатнинг умумий кўриниши.

А. Абалая фотоси.

Бу командалар „Б“ классида қатнашади

Баскетбол бўйича Тошкентда ўтказилган республика билим-лиги мусобақаси тавом бўлди. Эрақлар ўртасида Армия спорт клуби (Тошкентнинг) баскетбол-лари қутулгандек голиб недилар. Бу коллектив ҳамма учрашувларда ғалаба қозониб, иккинчи марта Ўзбекистон чемпиони номини олишга муваффақ бўлди. Иккинчи ўринни Фарғона педагогика инсти-туту командаси эгаллади.

Аёллар командалари ўртасида «Таштекстильмаш» заводи спорт-чилари муваффақият қозонди. Бу команда ҳам ҳеч қайси коллектив-га ютқизмади. Фарғона педагогика институтининг хотин-қиз баскетбол-чилари ҳам иккинчи ўринни олиш-га эришдилар. Бу тўрт коллектив «Б» классининг зонал мусобақа-сида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Мусобақа май ойининг ўрталарида Ашхобод ва Тошкент-да ўтказилди.

Д. ПЬАНЦЕВ.

Н. С. Хрущев доклади грек тилида брошюра қилиб чиқарилди

АФИНА, 18 март. (ТАСС). Афинадаги «Эпистомоник идис» нашриёти ўртоқ Н. С. Хрущев-нинг 1961 йил 6 январда КПСС Марказий Комитети Ҳузуридаги Олий партия мактаби Институтини саясий академияси ва Марксизм-ленинизм институти партия таш-килотларининг умумий йиғилиши-

да коммунистик ва ишчи партия-лар вакиллари кенгашининг янги-ларни тўғрисида қилган «Нажот-коммунистик ҳаракатининг янги-галари учун» деган доклада грек тилида брошюра қилиб чиқарилиб берилади.

Брошюра кўп нусхада босиб чи-қарилди.

Лаосда жанглар

ХАНОИ, 18 март. (ТАСС). Итти-фоқнинг қўшнлари ва ватанпарвар-ларнинг қўроли отрядлари кейин-ги кунларда бевосита Вьетнам яқинида актив жанг ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Шаҳарнинг ўн-да солдат ва офицерларни исенчи-ларга қарши қўзғолол кўтаришга даъват этадиган варақалар тарка-тишмоқда.

«Лаос овози» радиосининг хабар беришича, яқинда ватанпарварлар шаҳардан 30 километр нарида 13-

бўлга пистирма қўйганлар. Жанг давомида исенчилардан 30 дан ор-тиқ киши ўлирилган ва ярадор қи-линган. 15 мартда ватанпарварлар аҳоли яшайдиган Фон-Фонг пункти-да юк машиналари колоннасига ҳу-жум қилиб, душманга катта та-лабот етказдилар. Радиоининг хабар беришича, ватанпарварлар қўроли отрядларининг тўғривсиз ҳужумлари натижасида 13 — йўлда қатнов та-момида тўхтаб қолган.

ХАЛҚ СОҒЛИҒИ-ЮРТ БОЙЛИГИ

Тез ёрдам машинасида қанча бе-морни исонилкада кўтариб, ҳуза-ховага олиб киришди. Бемор ўзини билмай, қалта-қалта нафас оларди. Унинг ҳаёти ҳаф остида!

Шу кунни наватчи бўлиб қолган врач ҳали ёш, яқиндагина иш бош-лаган. Бундай оғир беморга дарров диагноз қўйиб қилин, албатта. Шу-нда ҳам у беморнинг қон босимини ўлчади. 100... 150... 250! Стрелка қалқиб тўхтади. Беморнинг қон бо-симини бир неча баравар ошиб кети-бди. Наватчи шовиб қолди... Касал-хонанинг тажрибали, кекса врач Самат Авазович Ғуломовнинг уйига телефон қилиб, аҳолини тушунирди. Ғуломов ярим туи бўлишига қа-рармай, касалхонага етиб келди. Бе-мордан қон олиш кераклигини айтиб, ўзи ишга киришиб кетди. Бу ишда-ятда мураккаб иш. Сал янгилигини, иш чатоқ бўлади. Лекин бундан бошқа чора йўқ. Тадбирлилик бил-ан иш кўриш керак.

Беморнинг икки билагидан қон тизилди.

У тонга яқин кўз очганда тепа-сида наватчи врач билан ҳамшира-

НАЖОТКОРЛАР

лар турарди. Ёши 60 ларга бориб қолган бемор Мария Николаевна Бе-кулова уларга шундай самимий қа-радики, бу қарашда «рахмат, нажот-корлар» деган маънони ўқиб му-қим эди.

Тошкентдаги 10-шаҳар касалхо-насида шунинг сингари ўз дардига шифо тошганларнинг сон-саногин йўқ. Бу ерда турли касаллар даволлани-ди. Келинг, ахириси касалхонанинг «Ташаккурлар дафтари»га мурожаат қилайлик.

— Мени ўлим чапгалидан қутқа-риб қолган врачлардан, айниқса ич касалликлар клиникаси бўлимининг бошлиғи ўртоқ С. А. Ғуломовдин минияторман, — деб ёзади бир бе-мор. — Врач деган Ғуломовдек бўл-са! У мени фақат дори-дармон бил-ан эмас, балки ширин сўз билан ҳам даволди.

— Ич касалликлар бўлимининг бошлиғи Кашифа Зокировна Аҳме-довдан гоятда минияторман, — деб ёзади яна бир бемор. — Мен уни ўз опамдек қўриб қолдим. У менинг ичимдаги дардин сугуриб ташлади.

— Ҳа, худди шундай, — дея лаф-тарин ёлди касалхонанинг бош врач Солиқ Солиқов. — Аҳмедова ва Ғу-ломов сингари врачларимиз мактовга эришдилар, уларни ҳарқанча мак-тосанг кам. Уларнинг исмларини ҳар хонадонда ҳурмат билан тилга оладилар-ку, бу улар учун энг кат-

та, қимматли мукофот эмасми? Шу-ни ҳам борки, бу аҳил коллектив ишлатган касалхонани санитарий дейсан, киши. Эрталаб беморлар гим-настика залига йиғилдилар, раҳбар бошчилигида бадатарбия қиладил-лар. Ҳали қувватга кирмаган бемор-лар палатанинг ўзида шу ишчи ба-жардилар.

Бу касалхонанинг врачлари янги усул қўлладилар. Ленинград врач-лари ошқозон яраси касаллигига қар-ши махсус аппарат ёрдами билан кесирод бериш усулини тошганлар ва бу яхши натижага берган. Янги прогрессив усулни клиника врачла-ри ҳам тадбиқ қилаётганлар. Тажриба ахли самаралар бермоқда.

Касалхона қисқа муддат ичиди тез ўсиб кетди.

Дастлаб етти-саккиз врачга эга бўлган касалхона ҳозир 79 врачга, шундан 14 фан кандидатиға эга.

Касалхона раҳбарлари ва врачлар ҳозирги 330 ўринли кам демокдалар. Шу кунда етти касаллиги клиникаси қурилмоқда. Ёнги йиллик мубайнида ўринлар бир неча баравар кўпаяди.

Бу касалхонага кўчма қизил вим-пель бекорга берилган эмас. Касал-хона ҳодимлари икки йилдан буюн вимпелни қўлларида сақлаб туриб-дилар.

А. АБДУСАМОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

4-БЕТ, 21 МАРТ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси: Ташкент, 26. РЕДАКЦИЯ БУЛИМИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 на 33262 орқали Ташкент турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136, Совет қурилиш бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими 29040, 135. Қўзғатилиш бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Махаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.